

Бу нима эканини биласизларми?

10:05 / 21.04.2018 4070

У кишидан ривоят қилинади:

«Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга (ўтирган) эдик, у зот гупиллаган овозни эшитдилар. Ва: **«Бу нима эканини биласизларми?»** деганларида, биз: «Аллоҳ ва Унинг расули билувчироқ», дедик. Шунда у зот: **«Бу бир тош бўлиб, у дўзахга улоқтирилганига етмиш йил бўлди. Ҳозиргача пастга шўнғишда бардавом бўлиб, энди жаҳаннам тубига етди. Сизлар ҳозир ўша тошнинг гупиллашини эшитдинглар»**, дедилар».

Имом Муслим ривоятлари.